

Қачон бирингиз намозда ўтирса... | Сийрат дарслари (261-дарс)



19:00 / 23.12.2023 3929

344. Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам менга ташаҳҳудни кафтларим кафтлари орасида турганда худди Қуръонни таълим бергандек ўргатдилар: **«Ат-таҳийяату лиллааҳи вас-солаваату ват-тоййибаату, ас-салааму алайка аййухан-набиййу ва роҳматуллоҳи ва баракаатуху, ас-салааму алайна ва алаа ибаадиллааҳис-солиҳийн. Ашҳаду аллаа илааҳа иллалоҳу ва ашҳаду анна Муҳаммадан абдуҳу ва Расулуҳу»**.

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

Бошқа ривоятда:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Бас, қачон бирингиз намозда ўтирса: «Ат-Таҳиййаату лиллааҳи...» деб зикр қилди. Сўнг «ибодиллоҳис-солиҳийн»ни зикр қилганда: «Агар шуни айтса, Аллоҳнинг осмону ердаги ҳар бир бандасига айтган бўлади»ни ва охирида: «Сўнгра нимани хоҳласа, шуни сўрашни ихтиёр қилсин»ни** зиёда қилди.

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

345. Алий ибн Абдурроҳман Муовиййидан ривоят қилинади:

«Абдуллоҳ ибн Умар менинг намозда майда тошларни ўйнаётганимни кўрди. Намозни тугатганда мени бундан қайтарди ва: **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам нима қилган бўлсалар, шуни қил», деди. «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қандай қилар эдилар?» дедим. «У зот намозда ўтирсалар, ўнг кафтларини ўнг сонлари устига қўяр эдилар. Бармоқларини тугар эдилар ва бош бармоқдан кейин келадигани билан ишора қилар эдилар. Чап кафтларини чап сонлари устига қўяр эдилар», деди».**

Муслим ривоят қилган.

346. Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўнг тарафларига ва чап тарафларига салом беришларини кўрар эдим, ҳатто ёноқларининг оқи кўринар эди».

Муслим ривоят қилган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 30 ноябрдаги 03-07/9078-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.